



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 1 май кун Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Чой Кён Хванни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қўллар экан, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг вақт синовидан ўтган ишончли ва стратегик шериги эканини таъкидлади. Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ва самарали хусусиятга эга бўлиб, барча йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда.

Айни пайтда Корея Республикаси Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, инвестиция ва технология соҳаларидаги асосий шерикларидан биридир.

Жанубий Корея бизнесининг фаол иштирокида мамлакатимизда саноатнинг турли соҳаларида қатор муҳим стратегик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Сурғил қонида барпо этилаётган Устпорт газ-кимё мажмуаси, шунингдек, машинасозлик, электр энергетикаси, нефть-газ, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати ва бошқа соҳалардаги ўнлаб лойиҳалар муваффақиятли инвестицион ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунасидир. Бугун Ўзбекистонда Жанубий Корея капитали иштирокида тузилган 400 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган тўғридан-тўғри инвестициялари умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида ҳам жанубий корейлик шериклар билан ҳамкорлик фаол ри-

вожланмоқда. 2014 йилда Тошкентда очилган Инха университети филиалида компьютер инжиниринги ва дастурлаш соҳаси мутахассислари тайёрланмоқда.

Корея Республикасининг Эксимбанки, Тараққиёт банки, «EDCF» жамғармаси ва бошқа кўплаб етакчи молия институтлари билан ҳам шериклик алоқалари мустақамланиб бормоқда.

Жаҳондаги йирик транспорт компанияларидан бири бўлган «Корейн Эйр» ҳамкорлигида «Навоий» аэропорти негизда халқаро интермодаль логистика маркази самарали фаолият юритмоқда.

Оқсаройда ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди. Шу кунларда икки давлат молия вазирлари учинчи мажлисининг ўтказилиши иқтисодий соҳадаги ўзаро ҳамкорликнинг жорий аҳолини чуқур таҳлил этиш ва янги йўналишларини белгилаш имконини бериши таъкидланди.

Чой Кён Хван давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Корея Республикаси Ўзбекистон билан серқирра ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада мустақамлашга тайёр эканини билдирди.

ЎЗА

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасидаги эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларини янги ижодий марралар сари илҳомлантирмоқда.

«Туркистон» саройида 1 май кун «Олтин қалам» X Миллий мукофотининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий ўқув юрларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини янада кучайтиришнинг муҳим воситаси сифатида миллий журналистикани изчил ислоҳ этиш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.



Ижодий изланишга ундаётган танлов

«Олтин қалам» X Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

3

Партия ўзининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари орқали аҳолининг заиф қатламларига малакали тиббиёт-санитария ёрдами кўрсатилиши билан боғлиқ тегишли қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан тизимли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга ҳаракат қилади.

ЎЗХДП Сайловолди дастуридан.

■ ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Партияимизнинг ҳар бир аъзосидан янада фаоллик талаб этилмоқда

ЎЗХДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНING НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМИДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА ГУРУҲЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ, УЛАРИНИНГ ЗИММАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР КўРИБ ЧИҚИЛДИ.

ПЛЕНУМДА ПАРТИЯ МАСЪУЛЛАРИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ, «ФАОЛ АЁЛЛАР» ВА «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ЕТАКЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

► Давоми 2-бетда.

■ СПОРТ

Медаллар хазинаси

Иордания пойтахти Амман шаҳрида оғир атлетика бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Осиё кубоги баҳслари ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 15 та олтин ва 12 та кумуш медалга сазовор бўлди.



Эътиборлиси, мусобақада иштирок этган беш нафар спортчимизнинг деярли барчаси ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин эгаллади. Жумладан, Азимжон Ғаниев (105 кг) ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада учта олтин (даст кўтаришда 140 кг, силтаб кўтаришда 185 кг, иккикураш якунларига кўра 325 кг), катталар ўртасида кечган баҳсларда эса битта олтин ва иккита кумуш медал билан тақдирланди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Рўзимурод Асланов (56 кг), Суннатилло Шокиржонов (85 кг) ёшлар ўртасида тенгсиз, деб топилди. Катталар ўртаси-

да ўтказилган беллашувларда истеъдодли спортчимиз Сардорбек Дўстмуротов (+105 кг) олтин медални кўлга киритди. Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори, андижонлик Рўзимурод Асланов даст кўтаришда 100 кг, силтаб кўтаришда эса 125 кг оғирликни ўзига бўйсиндириб, ҳар икки мусобақада ҳам рақибларини ортда қолдиришга муваффақ бўлди. Иккикураш якунларига кўра ҳам энг юқори кўрсаткични қайд этди. Шунингдек, Рўзимурод худди шу натижа билан катталар ўртасидаги мусобақаларда уч бор кумуш медал билан тақдирланди.

4

■ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Ҳокимларнинг ҳисоботини эшитиш механизми белгиланмоқда

■ 30 апрель кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятининг асосларини мустақамлаш билан боғлиқ долзарб масалалар, хусусан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Муҳокамалар чоғида депутатлар мазкур қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти ва бошқарувини изчил демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

Айтиб ўтиш керакки, аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғишлари ўтказилиб, уларда парламент кўйи палатаси ялпи мажлисида кун тартибидан ўрин олган масалалар атрофида муҳокама этилди.

Жумладан, ЎЗХДП фракциясининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Фракция аъзоларининг қайд этилишича, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси Конституцияимизнинг 103-моддасига киритилган меъёрни

амалга ошириш мақсадида тайёрланган.

— Яъни, мазкур ҳужжат лойиҳасида вилоят, туман ва шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳокимларнинг ҳисоботларини халқ депутатлари Кенгашлари томонидан эшитиш механизми назарда тутилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Хайрулло Рўзметов. — Унга кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳисоботлари тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман ва шаҳарнинг ўтган йилда иж-

тимоий-иқтисодий ривожланишининг якунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тақдим этилиши белгиланмоқда. Ҳокимларнинг ҳисоботини муҳокама этиш Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида, шунингдек, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашларида белгиланган баҳолар ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

— Қонун лойиҳасида вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятининг ҳисоботи халқ депутатлари Кенгаши томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлисидан кейин ўн кундан кечиктирмай ўтказилган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлисида эшитилиши кўзда тутилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Зулайхо Акрамова. — Шунингдек, мазкур мажлисларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Бош вазир ўринбосари ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари даражасидаги вакиллари, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига масъул бўлган вилоят


органларининг раҳбарлари иштирок этиши мумкинлиги тўғрисидаги меъёрлар акс этмоқда. Қонун лойиҳасининг эътиборга молик яна бир жиҳати шундаки, унда муҳокама якунларига кўра, халқ депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилиниши, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ва ҳокимлар ишининг самарадорлигига комплекс баҳо берилиши, тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқирилиши, шунингдек, қарор амалга оширилишининг бориши устидан назоратни таъминлашга доир чора-тадбирлар эътиборга олинмоқда. Ушбу тартиб-қоидалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга, аҳоли манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ масалаларга оидлик киритишга, соҳа ва тармоқлар ривожини таҳлил қилиш орқали ҳаётий таклифлар ишлаб чиқишга асос бўлади. Бу партияимиз дастурий мақсадларига ҳар томонлама мувофиқ келади.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тўғрисидаги Низом ҳамда депутат одоби қоидалари тасдиқланди.


ЎЗХДП фракцияси партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, кун тартибидеги барча масала бўйича тегишли хулоса ва таклифларини билдирди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



ҲАР БИР ТАДБИР
ИШТИРОКЧИЛАРНИ
ФИКРЛАШГА УНДАШИ ЗАРУР



■ Астойдил ишлаган, изланган депутат сайловчилар ишончини оқлайди

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШГА УНДАЁТГАН ТАНЛОВ

«Олтин қалам» X Миллий
мукофоти учун халқаро танлов
ғолиб ва совриндорлари
тақдирланди

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид миллий қонунчиликни давр талабига мос равишда такомиллаштириш, медиа тузилмаларни жадал ривожлантириш, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан аъёнанинг тарзда ўтказилаётган кўрик-танловлар, ижодий лойиҳалар журналистларнинг касб маҳоратини юксалтириш, тахрирларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тахлилий ёндашув асосида тайёрланаётган ранг-баранг материаллар кўламини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Танловнинг Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган ҳам унинг нуфузини оширишда катта аҳамиятга эга. Танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Uzreport» ахборот агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танловнинг асосий мақсади журналистларнинг энг илғор ютуқларини кенг омалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини намоён этиши ҳамда журналистларда танқидий фикрлаш, ўз фаолиятига янгича ёндашувни шакллантиришдан иборат. Танловда ўтган йиллар давомида 4 минг нафарга яқин журналист 51 мингдан ортиқ ижодий иш билан қатнашди. Ҳозиргача ўтказилган тўққизта танловда 207 нафар журналист «Олтин қалам» Миллий мукофоти соҳиби бўлди. 60 нафарга яқин журналист халқаро ташкилотларнинг ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланди.

«Олтин қалам» X Миллий

мукофоти учун халқаро танловда 676 журналист 15 мингта яқин материали билан қатнашди. Улар сафида бош Миллий мукофот соҳиби, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолиблар, шунингдек, «Энг яхши матбуот хизмати» ва «Энг яхши фоторепортаж учун» рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари аниқланди.

«Uzreport TV» телеканали «Олтин қалам» X Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош мукофотга лойиқ деб топилди. Телеканал жамоаси махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, мамлакатимиздаги тинч-осойишта, ижтимоий барқарор муҳит барча соҳалар қаторида миллий журналистикани ҳам жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди «Uzreport TV» телеканали бош директори Равшан Жўраев. — Юртимизда кечаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан халқимизни баҳраманд этиш, ватандошларимизда юрт тақдирини, унинг келажagini учун дахлдорлиги туйғусини кучайтириш, ёш авлодни буюк аждодаларимизга муносиб ворислар этиб қамолга етказиш, уларни турли мафкуравий таъхидлардан ишончли ҳимоялаш зимманимиздаги масъулиятни вазифадир.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолибларига диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуткаси ҳамда пул мукофотлари топширилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Истикболли авлод» ижтимоий ахборот марказининг ҳам мукофотлари топширилди.

Танловда БМТ, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, «Минтақавий мулоқот» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз мукофотлари билан иштирок этди. Бир гуруҳ журналистлар ушбу ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова сўзга чикди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» X Миллий мукофоти халқаро танлови ғолиблари ва совриндорлари

Журналистика соҳасида Бош миллий мукофот
«Uzreport TV» телеканали — бош директори Равшан Жўраев
Илм-фан, техника тараққиёти, дунёнинг ривожланган давлатлари билан иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бораётгани, буюк аждодаларимиз мероси ҳамда иқтидорли ёшларнинг изланишлари бағишланган кўрсатувлари учун

Асосий мукофотлар
Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин:
Илвира Мамажонова — «Ёшлар» телерадиоканали «Пойтахт» телеканали Мусиқий дам олиш ва кино дастурлар бош муҳаррири катта муҳаррири «Музыка сирлари», «Улли тулғалар» ва «Сазлар сийқири» каби кўрсатувлари учун

2-ўрин:
Анжим Бекбергенова — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси «Қорақалпоғистон» телеканали Мусиқий дам олиш ва кино дастурлар бош муҳаррири катта муҳаррири «Музыка сирлари», «Улли тулғалар» ва «Сазлар сийқири» каби кўрсатувлари учун

3-ўрин:
Муқаддас Машарипова — «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» телеканали Мусиқий дам олиш ва кино дастурлар бош муҳаррири катта муҳаррири «Музыка сирлари», «Улли тулғалар» ва «Сазлар сийқири» каби кўрсатувлари учун

2-ўрин:
Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси жамоаси
«Олтин мерос», «Радио саёҳат», «Файзли оқшом», «Оила — жамият таяни» сингари радио эшиттиришлари учун

3-ўрин:
Юлдуз Мамажонова — Фарғона вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири «Обод хонадон», «Умр зийнати», «Фарғона оқшомлари», «Эъзоз» каби дастурлари ҳамда «Бугуннинг гапи» туркум эшиттиришлари учун

Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ):
1-ўрин:
«Правда Востока» газетаси тахририяти — бош муҳаррири Аббосхон Усмонов

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб ислохотлар, давлат дастурлари ижросини тизимли, кенг ва сиқатли ёритишдаги туркум материаллари учун

2-ўрин:
«Оила даврасида» газетаси тахририяти — бош муҳаррири Хусниддин Бердиев
«Давр нафаси», «Долзарб мавзу», «Мустақам оила», «Соғлом ҳаёт» ва «Аниқ саволга аниқ жавоб» каби материаллари учун

3-ўрин:
Рислик Мажнуннова — «Наманган ҳақиқати» газетасининг катта муҳаррири
«Аёллар салтанати» муаллифлик сарҳисиди, таълим, маънавият, оила, хотин-қизлар масалаларига бағишланган тахлилий материаллари учун

Энг яхши журналистик материал учун (интернет-журналистика):
1-ўрин:
Руслан Кенжаев — «Народное слово» газетаси масъул котиби ўринбосари
«Халқ сўзи» газетасининг www.xs.uz сайти ҳамда «Народное слово» газетасининг www.narodnoeslovo.uz сайтига тайёрлаган материаллари учун

2-ўрин:
Анвар Самадов — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
Халқаро ахборот тахририяти бош муҳаррири «Халқаро эътирофлар» замиридаги улкан ҳақиқат, «Ўзбекистон тинчлик ва ҳамкорлик тарафдори», «Неъматларнинг энг яхши ҳаловатдир», «Озод мамлакатга ободлик ярашади» каби мақолалари учун

3-ўрин:
Бунёдбек Шамсуддинов — Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари, Sharh.uz сайти муаллифи
«Демократик ислохотларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшларнинг ўрни ва роли» лойиҳаси учун
«Энг яхши фоторепортаж» йўналиши:
Темур Қайсаров — «Маърифат» — «Училиш Ўзбекистана» газеталари фотомухбири

«Энг яхши матбуот хизмати» йўналиши:
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси матбуот хизмати
Халқаро ва жамоат ташкилотларининг рағбатлантирувчи мукофотлари:
БМТ Ахборот маркази
«Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли» мавзуси кенг ёритилаётган ва ёшлар форумларида катта қизиқиш уйғотаётган онлайн (интернет-нашр) материаллари учун

Наргис Қосимова — ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси мудири

ЮНЕСКО
«Орол денгизи минтақасидаги барқарор ривожланиш мақсадида экологик журналистика бўйича энг яхши материал учун»

Нигора Шофайзиева — «Улуг йўл» газетаси бош муҳаррири ўринбосари (Тошкент вилояти)

ЕХХТ
«Ўзбекистон хотин-қизларининг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги иштирокига бағишланган туркум материаллари учун»

Қутлибака Раҳимбоева — «Саодат» журналы масъул котиби

Жаҳон банки
«Муқобил энергия манбаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш масалалари ҳақидаги энг яхши материал учун»
Марям Ахмедова — «Қадрият» газетаси мухбири

«Минтақавий мулоқот» ХННТ (Словения)
«Коррупцияга қарши кураш масалалари ёритилган энг яхши материал учун»

Лобар Исмолова — «Anhor.uz» веб-сайти бош муҳаррири

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши
«Кексаларни эъзозлаш йилгига бағишланган энг яхши материал учун»
Райхон Жумаева — Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси бўлим мудири

«Ижтимоий шериклик фаолияти ёритилган энг яхши материал учун»
Сайёра Рихсиева — «Тошкент ҳақиқати» газетаси бўлим мудири

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди
«Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун»

Икром Ўтбосаров — «Халқ сўзи» газетаси бўлим мудири
«Соғлом бола йилгига бағишланган энг яхши материал учун»

Людмила Полонская — «Туркистон» — «Молодёжь Узбекистана» газеталари мухбири

«Истикболли авлод» ижтимоий ахборот маркази
«Одам савдосига қарши кураш мавзусидаги энг яхши материал учун»
Георгий Петросян — ИИБ Бирлашган тахририяти бўлим мудири
Сайёра Бўронова — Жиззах вилояти телерадиокомпанияси бўлим мудири



Кўп ухлаш зарар

уйқусизлик ҳам

Маълумки, кўп ухлаш ёки уйқусизлик ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Барча фикрлар, албатта, илмий кузатув ва тадқиқий таҳлилларга асосланганлигини ҳам унутмаслик жоиз.

Яқинда АҚШнинг уйқуни ўрганиш бўйича миллий жамияти барча ёшдагилар учун бир кеча-кундузда қанча ухлаш лозимлиги ҳақида янги тавсияларни «Sleep Health» журналида эълон қилди.

Илмий кузатув ва тадқиқот-таҳлиллар натижалари шундан далolat бермоқдаки, янги туғилган ва уч ойгача бўлган чақалоқлар бир кеча-кундузда ўртача 14-17 соат ухлаши меъёрий ҳол экан. 4 ойдан 11 ойгача бўлганлар эса 12-15 соат, 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган гўдақлар 11-14 соат, 3 ва 5 ёшдагилар 10-13 соат, 6 дан 13 ёшгача бўлган ўқувчилар 9-11 соат, 14 дан 17 ёшгача бўлган ўсмирлар 8-10 соат ухлаши даркор. 18 дан 64 ёшгача бўлганлар эса 7-9 соат, кексалар 7-8 соат ухлаши соғлом турмуш тарзи ҳисобланишини аниқлатади.

Уйқуни ўрганиш миллий жамияти директори Дейвид Клауднинг айтишича, кўп ухлаш ҳам, кам ухлаш ҳам киши саломатлигига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.



Франциялик тадқиқотчиларнинг яқинда ўтказган тадқиқотларида шу нарсани аниқландики, кўп ухлаш ёки кам ухлаш биринчи галда диабет юзга келишига замин яратаркан, негаки, организмда глюкозанинг сўрилиши ёмонлашади. Уйқунинг камлиги семирish ва қон босимининг ортишини, миянинг қаришини тезлаштирса, ўсмирларда кам ухлаш хотирани кучсизлантириб, дарсларни ўзлаштиришга салбий таъсирини ўтказиши.

Кўп ухлашнинг ҳам зарари бундан қолмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз: юрак-қон томир тизимини чарчатиб қўяди.

Марҳумлар ХОКИ

орбитага учирилган

Васият ҳар қандай шароитда ҳам бажарилши зарур. Шу боис ҳам инсон хоки қойинотга учирилди.



Интернет манбаларида қайд этилишича, шу кунгача бир неча кишининг хоки ракетда Ер орбитасига олиб чиқилган. Масалан, 2010 йилда умрининг 44 йилини «Роскосмос» ривожига бағишлаган телеметрия муҳандиси, Бойкунгир космодромининг меҳнат фаҳрийси, марҳум Виталий Фёдоровнинг хоки махсус капсулага жойланиб фазо кенгликларида олиб чиқилган. Ундан аввалроқ, яъни 2004 йили эса Новосибирск фуқароси Борис Якушиннинг хоки ҳам Американинг космик агентлиги томонидан қойинотга учирилган.

Масалан, 2006 йили Плутоний сайёрасини кашф этган (1930 йили) америкалик астроном олим Клайд Томбонинг хоки «Нью-Хорайзонс» зондида махсус контейнерга юкланиб, Плутоний сайёрасига жўнатилиб, Бу зонд ҳозир ҳам парвозда давом этмоқда. Ҳисоб-китобларга қўра у жорий йилда манзилга етади.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

БОШ ВАЗИФА – ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

■ ИИБ Академиясида «Касбий маданияти юксак, юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш — асосий вазифамиз» мавзuida матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Алишер Мирзаев тадбирни очар экан, ушбу Академия ички ишлар органлари учун юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаб, хизмат қилаётган малакали мутахассислар тайёрловчи етакчи олий таълим масканларидан бири

эканлигини таъкидлади. Қайд этилдики, таълим маскани замонавий ўқув ва моддий-техник база ҳамда катта илмий салоҳиятга эга.

Академияда республика ички ишлар органлари учун «Тергов фаолияти», «Тезкор-қидирув фаолияти», «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти» ҳамда «Эксперт-криминалистик фаолият»

мутахассисликлари бўйича олий юридик маълумотли мутахассислар тайёрланади.

Шу билан бирга, Академияда ички ишлар органлари учун раҳбар кадрлар тайёрловчи Олий академик курслар, ички ишлар органлари офицерларининг малакасини ошириш факультети, Сержантлар тарбияни тайёрлаш олий курслари фаолият юритиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида мазкур таълим муассасасида 10 минг нафардан ортиқ олий юридик маълумотли мутахассис, Олий академик курсларда 560 нафар раҳбар кадр, Сержантлар

тарбияни тайёрлаш олий курсларида эса 10 мингдан ортиқ сержант кадрлар тайёрланди.

Малака ошириш факультетида ички ишлар органларининг 20 мингдан зиёд ходими қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтди.

Академия бошлиғи, генерал-майор Шавкат Икромов мазкур олий таълим муассасасида фаолияти ҳақидаги тақдиротда қуйидагиларга тўхтади:

— Ушбу олий таълим масканида Ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда таълим жараёнини жиноятчиликка қарши кураш

амалиёти билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда тингловчи ва курсантлар республика-казми ички ишлар органларининг турли хизмат ва бўлима-ларидида амалиёт ўтамоқдалар, ихтисослашган кафедраларга эса амалиётда ишлаб, бой тах-рибба ортирган малакали хо-димлар жалб этилмоқда. Мутахассислик кафедраларининг Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари негизда ташкил этилган филиалларида тинглов-чи-курсантлар билан амалий ўқув машғулоти самарали ўтказиб боришмоқда.

Академия ўзининг ҳарбий-ўқув дала полигонига эга. Бу ерда тингловчи ва курсантлар махсус дастурлар асосида

дастлабки касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарликдан ўтади-лар.

Ўқув полигонига ётоқхона, штаб, ахборот-ресурс маркази, ошхона, санитария-гигиена мажмуалари, руҳий тетиклаштириш хонаси, ўқув хоналари, спорт комплекси, махсус тактика машғулотларини бажариш учун майдонча замон талаблари асосида жиҳозланган.

Анжуманда иштирок этган журналистлар ИИБ Академиясида етук малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлишди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

■ Йил бошидан буён хусусий мулкдорларга умумий қиймати 28,3 миллиард сўмлик 55 давлат активи сотилди, шу жумладан, 13 та объект инвесторларга 9,7 миллиард сўмлик инвестициялар киритиш мажбурияти асосида бепул берилди.



МУЛОҲАЗА

ГОЛ ҚАЙҒУСИ

ёки бир мухлиснинг футболимиз ҳақидаги фикрлари

■ Мақолани ёзишга ёздиму, бир муддат ташлаб қўйдим, кейинги ўйинларни кўрайликчи, деган фикрга бордим. Мана, Осиё кубогининг навбатдаги ўйинлари. «Насаф»нинг четдаги иродали ғалабасини ҳисобга олмганда, яна ўша... ҳолсизлик, голсизлик. Хуллас, мулоҳазаларимни, очиғини айтганда, мухлис сифатидаги дардларимни жамоатчиликка билдиргим келди. Қайсидаир масалала ҳақдирман, бошқа бирида эҳтимол ноҳақдирман. Лекин азбаройи ачинганимдан, жон-дилимдан севганимдан айтаяпман бу гапларни. Қайта-қайта хорижга боришлар, тайёргарлик дастури тўла бажарилди, дейишларининг натижаси кўринмаяпти-ку.

Бугдой экиш, ўстириш, парвариш қилишдан мурод — дон олиш. Чигит қадаш, ундирш, сугориш, ўғит бериш, ҳосил етиштиришдан мақсад — тола олиш. Футбол ҳақида нима деманг, нима ёзмам, қай жихатдан ёндошманг, гап охир-оқибат натижага — голга бориб тақалади. Шу «гол» деб аталмиш лаззатдан мух-

ўйинлари ва жаҳон чемпионатларининг саралаш учрашувларида энг сўнгги дақиқаларда, кутилган ҳолатларда гол ўтказиб оғзимиздаги ошни олдириб қўйганимиз алами ҳамон юракларимиздан кетгани йўқ. Миллий термаимизнинг 27, 31 март кунлари сафарда ўтказган икки ўртоқлик учрашувини олинг. Жанубий Корея

ютқазмишда ҳам ютқазмиш борда. Ҳар қандай ўйинда, у хоҳ расмий, хоҳ ўртоқлик мақомида бўлсин, юрт шаъни, ватанпарварлик туйғуси, масъулият ҳисси, орият кучи биринчи ўринда турмоғи, устувор бўлмоғи лозим. Анчик ҳақиқатни очик айтилик: ҳар икки — миллий ва Олимпия терма жамоаларимиз ҳозирча тезкорликда, техника, тактикада, руҳий тайёргарликда, жамоавий ўйинда, хуллас, футболнинг барча унсурларида Европани кўя турайлик, Осиёнинг етакчи жамоалари қаторида мустаҳкам турибдими?.. Бу саволга жавоб бериш қийин. Ҳаёлга турли саволлар келади: қани, тўғри узоққа аниқ ошириш, мўлжални тўғри олиб зарб билан тепиш, дарҳол қарор қабул қилиш, жарима тўпларини Қосимовга ўхшаб қойилмаком ижро этиш, бош билан ўйнаш, финт ва дриблинглар, жасоратли маҳоратлар... қани?!

Мухлислару журналистлар Миржалол Қосимовни гоҳ мақтаб, гоҳ танқид қилишмоқда. Ўзбек футбол тараққиётига улкан ҳисса қўшган Миржалол Қосимовнинг бош мураббийлиги сифатидаги фаолияти ҳақида турлича фикрлар билдирилмоқда. Бу табиий ҳол, албатта. Ўйин натижасига қараб бош мураббийга баҳо берилди. Ким бош мураббий бўлса, жамоа тақдирини ундан сўралади. Бироқ Қосимовгача бўлган бош мураббийлар ҳам мухлислар орзусини амалга ошира олмади. Аммо, ўйлаб кўрайлик, ҳамма айбни бош мураббийга боғлаш қай даражада ўринли. Республикаимизга дунёга машҳур хорижлик мураббийлар ҳам



келиб, ишлаб кетишди. Сезиларли ўзгариш бўлдимми?.. Таҳлил қилиб, хулоса чиқарайлик, ўртаёна терма жамоани бирданга ўзгартириб, шухрат қозонган бош мураббий борми ўзи? Икки чемпионат жамоаларини ташқаридан маҳоратли футболчиларни сотиб олиб, қучайтириш мумкин. Аммо миллий терма жамоани бир-икки йилда тубдан ўзгартириш қийин масала. Шундай экан, терма жамоамиздаги муаммоларни икки чемпионатимиздан ахтариш керак эмасми?

Яқинда телевизорда Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмоновнинг мамлакатимиз чемпионатидаги келишилган ўйинларга чек қўйиш ҳақидаги кескин гапларини етишиб, тўғриси, жуда қувондим. Беркитиб нима қиламиз, бу кўзбўямачилик, алдамчилик анчадан буён кўпчиликка маълум эди. Футболимиз илди-зига болта уриб келаётган иллатлардан бири эди. Миллий терма жамоа савияси мамлакат чемпионати савиясига боғлиқ. Бу ҳақиқатни мутахассислар ҳам инкор этмади.

Жамоалардаги ички муҳит, ахиллик, ҳамжихатлик қай даражада, ўйинчилар, мураббийлар ўртасидаги ўзаро муносабат қандай, шогирдлар ус-тозлари айтганини кулоқ

қоқмай бажаришадими, ҳаммага бир хилда қараладими, пулга ружу қўйганлар, қолдузлик касалига йўлиққанлар йўқми — ташқаридан у қадар маълум бўлмаган бундай ҳолатлар ўйиннинг қандай кечиши ва натижасига қаттиқ таъсир этади. Ахиллик, жамоавийлик, маҳорат, матонат вобаста бўлган тақдирдагина ўйин баланд савияда кечади, голлар урилади, томошабинлар стадионларга оқиб келади. Жанубий Корея, Япония, Европа, Американинг етакчи мамлакатлари томошабинлари терма жамоаларининг ўртоқлик ўйинларига ҳам стадионларни тўлдириб келганларини кузатиб, ўзимизнинг ярми бўш стадионларимиз билан солиштирамиз, ўқинамиз. Барчаси пировард натижада ўйин сифати, майдондагилар маҳоратига, урилган голларга бори тақалади.

Ўтган асрнинг олтинчи йилларидан буён футбол иш-қибозиман. «Пахтакор»нинг ўйинларини қолдирмай стадионда томоша қилганман, Қасимовнинг, Абдураимов, Азизхўжаев, Раҳматуллаев, Ан, Федоровларнинг завқ-шавқ, журъат-жасорат билан тўп суришганини кўп кузатганман. Ўша пайтларда пахтакорчилар, ҳозиргидек кенг шароитга эга бўлмасан-да, катта маош олмасан-да, бор вужуди билан ўйнашар,

голлар уришар эди. «Динамо» (Киев), «Спартак» (Москва), «Насъонал» (Уругвай) командаларини, Яшиндек машҳур дарвозабонни доғда қолдиришгани, лиқ тўла стадион олқишларини олганлиги ҳамон кўз ўнгимда турибди. Эҳтимол, менинг айрим фикрларим кимларгадир ёқмас, маъқул келмас. Аммо худо ҳақки, ачинганимдан, алам қилганидан айтаяпман бу гапларни. Камина ҳам аслида сабр-бардошли, оптимист, охири баҳайр бўлишига, терма жамоаларимиз келгуси олимпиада ва жаҳон чемпионатида қатнашишига, етакчи жамоаларимиз қўша бахсларида ўзларини қўрсатишига умид қилувчи, ишонувчи мухлислар сирасидан. Бунинг учун асосларимиз етарли. Футболимизга қўрсатилаётган катта эътибор ўз самарасини беради, албатта. Ўйинчиларимизга куч-қувват, ғайрат-шижоат тилаймиз. Мўлжални аниқ олишсин, голлари кўпайсин, мухлисларни хурсанд этишсин. Мухлисларни, ўз халқини хурсанд қилиш эса футболчи, умуман, спортчи учун катта бахт, деб ўйлайман.

Сайид УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси.

Ҳар қандай ўйинда, у хоҳ расмий, хоҳ ўртоқлик мақомида бўлсин, юрт шаъни, ватанпарварлик туйғуси, масъулият ҳисси, орият биринчи ўринда турмоғи, устувор бўлмоғи лозим.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

Гиннеснинг рекордлар китоби 1955 йилдан буён чоп этилади. Унда табиат ва инсоният оламидаги улкан ютуқлар, ноёб ҳодисалар ва ғаройиб воқеалар ҳақида хабарлардан иборат бўлган маълумотлар ҳар йили нашр қилинади.



Буюк Хитой девори инсон қўли билан қурилган мўъжиза ҳисобланади. Унинг узунлиги 8851 метрдан ошди, эни 5,5 метрдан 6,5 метргача, баландлиги эса 10 метргача етади.



Ер юзидаги энг баланд чўққи Эверест. Баландлиги денгиз сатҳидан 8848 метрни ташкил қилади. Унинг номи англиялик John Everest номига қўйилган.



Кўк кит — ер юзидаги энг катта сувда яшовчи сўт эмизувчи. Унинг узунлиги 33 метр, оғирлиги эса 150 тоннагача етади.

СПОРТ

Вазни 85 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Суннатилло Шокиржонов ҳам даст кўтаришда 143 кг, силтаб кўтаришда эса 161 кг натижани қайд этиб, иккикураш якунига кўра, 304 кг кўрсаткичга эришди ва у ҳам учта олтин медални қўлга киритди. Чирчик Олимпия заҳиралари спорт коллежи ўқувчиси ушбу кўрсаткичлар билан катталар ўртасида учта кумуш медал соҳиби ҳам бўлди.

МЕДАЛЛАР ҲАЗИНАСИ

2014 йили Инчон (Ж.Корея)да бўлиб ўтган XVII ёзи Осиё ўйинларининг бронза медаллари совриндорлари Сардорбек Дўстмуротов вазни 105 кг дан юқори бўлган полвонлар мусобақасида даст кўтаришда 155 кг, силтаб кўтаришда эса 220 кг тошни ўзига бўйсундира олди ва иккикураш якуни бўйича ҳам энг юқори кўрсаткичга эришиб Осиё кубогининг учта олтин медалини ўз жамғармасига қўшиб қўйди. Ушбу мусобақада иштирок этган энг ёш полвонимиз Шаҳзод

Худойбергенов (19 апрель куни 18 ёшга тўлди) ҳам мураббийлар ишончини оқлади. Вазни 77 килограммгача бўлган оғир атлетикачилар баҳсида иштирок этган Шаҳзод даст кўтаришда 135 кг, силтаб кўтаришда эса 160 кг натижани қайд этиб, ёшлар орасидаги мусобақада 1 та олтин ва 2 та кумуш, катталар ўртасидаги мусобақада ҳам 1 та олтин ҳамда 2 та кумуш (жами 2 та олтин, 4 та кумуш) медалга сазовор бўлди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХУШҲАБАР

СИТОРА – ДУНЁ ЕНГИЛ АТЛЕТИКАСИ КАШФИЁТИ

Польша пойтахти Варшавада ўтказилган нуфузли халқаро марафонда ҳамюртимиз Ситора Ҳамидова Ўзбекистон спорт тарихида биринчи бўлиб кучли саккизликдан жой олди.

Халқаро енгил атлетика федерацияси (ИААФ) томонидан «Кумуш пойга» мақоми берилган машҳур баҳсда Ситора марафон масофасини югуриб ўтиш учун 2 соат 41 дақиқа 49 сония сарфлади ва маррага саккизинчи бўлиб етиб келди. Кучли ўнликдан жой олган спортчиларнинг олти нафари африкалик экани, Осиёдан улар қаторига қўшилиш факат Ситора Ҳамидовага насиб этганини ҳисобга олсак, унинг ютуғи салмоғи яққол намойён бўлади.

Сурхондарёлик спортчининг эришган ушбу натижаси унга шу йил августда Хитойда ўтказиладиган жаҳон чемпионати ва 2016 йилда Рио-де-Жанейро шахрида



(Бразилия) бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўланмани кўлга киритишига замин яратди. Йигирма беш ёшли Ситора Ҳамидова айни пайтда Термиз шахридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларга мураббийлик қилмоқда.

Омонбой ТЎХТАМИРЗАЕВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

«Менинг юртим маҳсулотли — жаҳон бозорида»

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тақлифи билан Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2015» кўрик-танловида «Менинг юртим маҳсулотли — жаҳон бозорида» янги номинацияси киритилди.

Бу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган олий ўқув юртли, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар талабалари ва биттирувчилари иштирок этишлари мумкин.

Уларнинг анкета ҳамда бизнес-режаси ташкилий қўмита томонидан

тузилган ҳудудий ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Бунда бизнес-режанинг самарадорлиги ҳамда долзарблик даражасига асосий урғу берилди. Иштирокчи танлаган ва режалаштираётган тадбиркорлик фаолияти бўйича тўплаган маълумотларига, ишлаб чиқариш кўзда тутилган маҳсулотга чет элда талаб қай даражада эканига, қадоклаш ва етказиб бериш тартибларига эътибор қаратилади. Энг юқори баҳоланган ишлар танловнинг иккинчи босқичида иштирок этади.

Мазкур босқич иштирокчиларига малакали мутахассислар томонидан маҳорат дарслари ва амалий машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилган. Машғулотлар давомида ёшларнинг тадбиркорлик соҳасидаги билим ва тажрибаларини янада оширишга

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Қарақўйғўл Дастури ва Глобал экологик жамғармасининг «Иқтисодий ўтиш давридаги (ИЎД) мамлакатлар ҳудудида гидрохлорфтороуглероддан (ГХФУ) фойдаланишни жадал қисқартиришнинг бирламчи бажарилиши — Ўзбекистон» қўшма лойиҳаси

совутиш ва ҳавони кондиционерлаш соҳаларида табиий совутиш агентларидан фойдаланишни кўзда тутувчи муқобил ва самарали энергия технологияларини қўллаш бўйича намунавий лойиҳаларни амалга ошириш учун техник ёрдам олиш бўйича ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов йўналишлари:

1) Марказлашган кондиционерларнинг совутиш тизимларида табиий совутиш агентларидан фойдаланишни кўзда тутувчи муқобил ва самарали энергия технологияларини қўллаш бўйича лойиҳа тақлифи (совутиш ускуналарини ишлаб чиқариш ва биноларда совутиш жиҳозларини ўрнатиш, ишлаб турган ускуналарда совутиш агентларини алмаштириш ва бошқалар),

2) Тижорат совутиш ускуналаридан ҳамда маиший кондиционерларда табиий

совутиш агентларидан фойдаланишни кўзда тутувчи муқобил ва самарали энергия технологияларини қўллаш бўйича лойиҳа тақлифи (совутиш ускуналарини ишлаб чиқариш ва биноларда совутиш жиҳозларини ўрнатиш, ишлаб турган ускуналарда совутиш агентларини алмаштириш ва бошқалар),

3) Кичик ҳажмли паст ҳароратли ускуналарда ва

иссиқлик насосларида табиий совутиш агентларидан фойдаланишни кўзда тутувчи муқобил ва самарали энергия технологияларини қўллаш бўйича лойиҳа тақлифи.

Ариза ва лойиҳа тақлифларини тақдим этиш муддати:

Танловда иштирок этишга қизиқиш билдирган барча тақлилотлар (давлат ва хусусий корхоналар) ариза

РЕКЛАМА ЎРНИДА

қаратилган ўқув-семинарлар ҳам ташкил қилинади ва улар якуни бўйича энг самарали деб топилган бизнес-режалар ғойибларига тегишли совринлар берилади.

Танлов ғойиблари ва иштирокчилари Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Савдо-саноат палатаси дипломлари ва қимматбаҳо мукофотлари билан, энг фаол иштирокчилар эса рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирланадилар.

Муҳтасар айтганда, жамғарма ташаббуси билан ташкил этилган «Менинг юртим маҳсулотли — жаҳон бозорида» номинацияси юртимизда замон билан ҳамқадам бўлган қўллаб-ёш тадбиркорлар қатламини шакллантиришга хизмат қилади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ва лойиҳа тақлифларини эълон чоп этилган кундан бошлаб 2015 йил 15 май, соат 18:00га қадар тақдим этишлари мумкин. Тўлиқ тайёрланмаган, шунингдек, аризаларни тақдим этиш муддати ўтгандан сўнг топширилган лойиҳа тақлифлари танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди. Лойиҳа тақлифлари тайёрлаш шаклини олиш, шунингдек, танловда иштирок этиш учун барча саволлар юзасидан қўшма лойиҳа офисига мурожаат этиш мумкин.


Лойиҳа тақлифлари босма ва электрон шаклда қўйидаги манзилга топширилиши лозим:

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 13-«А» уй, тел. (+998 71) 255-57-07, электрон манзил: hcfuz@gmail.com

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
17967
nuxxada
bosildi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



MUASSIS:
O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
MUSLHIDDIN
MUIHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.